
Халқ қабулхонаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхонасининг Бешариқ туман бўлимида туман ҳокими Р.К.Жўраевнинг навбатдаги қабули ўтказилди. Унда туман ҳокими ўринбосарлари ҳамда фуқароларнинг мурожаатларига дахлдор давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этдилар. Қабул давомида 48 га яқин фуқароларнинг уй-жой билан таъминлаш, тадбиркорлик, даволаниш бўйича моддий ёрдам, ишга жойлашиш ва бошқа масалалардаги мурожаатлар эшитилди. Қабулда фуқароларнинг ҳар бир мурожаатлари тўлиқ эшитилгач масалага ечим топиш бўйича шу ернинг ўзида мутасадди ташкилот раҳбарларининг иштирокида аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

2021-11-06 08:08:16